



# ТОШКЕНТ



ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСII  
ГАЗЕТАСИ

# ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 126 (9.623) 2001 йил 29 октябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА

#### ШАҲРИМИЗДАГИ

111-мактабда «Чигатой дарвоза», «Гузарбоши», «Қўштут», Алишер Навоий номидаги маҳаллалар фаоллари ва ёшлари иштирокида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар ИИББ, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ҳамкорликларида бўлиб ўтган давра суҳбати «Ёшларнинг миллий истиқлол руҳида тарбияланиши» долзарб масалалари» деб номланди.

ХАМЗА туманидаги Қурилиш касб-ҳунар коллежиде талабалар уқитувчилар иштирокида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорликларида «Диний экстремизм ва халқаро вазият» мавзусида анжуман ўтказилди. БУГҲН шаҳримиздаги Паркент бозо-

рида Хамза тумани Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан бўлиб ўтган тадбир «Диний экстремизм ва халқаро вазият» деб номланди.

ЯККАСАРОЙ туманидаги Бобур ҳамда «Тўқимачи» маҳаллалари фуқаролари иштирокида туман Маънавият ва маърифат маркази, «Маҳалла» жамғармасининг ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Яккасарой тумани бўлими ҳамкорлигида бўлиб ўтган анжуман «Оғоҳлик — давр талаби» мавзусига бағишланди.

МИРЗО Улугбек туманидаги Врачлар малакасини ошириш институтида туман хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими бўлими ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Гиевандлик — аср вобоси» деб номланди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «2-Чилонзор» маҳалласида «1-

Чилонзор» ҳамда «8-Чилонзор» маҳаллалари фуқаролари иштирокида «Маънавият ва ҳуқуқий маданият» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

ЎЗТЕМИРЎЛМАШ-ТАЪМИР» акциядорлик жамиятида «Ишбилармонлик ахлоқи» мавзусида ўтказилган тадбир Миробод туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан уюштирилди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 494-боғчада Юнусобод туманидаги КРИДИ — Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамияти ташаббускорлигида «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва маҳаллалар ҳамкорлиги» мавзусида бўлган икки кунлик семинарда тумандаги «Оқтепа», «Чоштепа», «Наврўз», «Шодлик», «Иттифок» ҳамда «Янгиобод» маҳаллалари фаоллари иштирок этишди.



Турар жой қурилишларида доимо турли касблардаги кўплаб кишилар меҳнат қилади. Бунёдкорлик ишида ҳар бир нарсаси муҳим саналганлиги сабабли ушбу касбларнинг айримларини муҳимроқ ва фойдалироқ деб ажратиш бўлмайди. Шу кунларда Нукус кўчасидаги турар жой биноларини бунёд этишда фаол меҳнат қилётган электр пайвандчи ва сантехник Ойбек Рисбиев ҳам худди шундай фикрда. Ана шу сабабдан Ойбек янги уй соҳиблари хонадонга кўтаринки кайфият ва зўр қувонч билан жойлаштирилган уйнинг ишчи сифатли ва бонуссон бажаришга ҳаракат қилади.

Сергей Любич олган сурат.

### МУНОСАБАТ

## Тинчликнинг қадрига етайлик

Назриддин РИЗАМЕТОВ, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:

Шу кунларда АҚШ томонидан Афғонистон ҳудудига халқаро терроризм масканларини, ҳарбий лагерларини ер юзидан сидириб ташлаш, улар фаолиятига чек қўйиш, илдинини қирқиб ташлаш мақсадида ҳарбий-авиация ҳаракатлар олиб боришмоқдаки, бунини кўплаб тинчликсевар давлатлар, миллат-элатлар қўллаб-қувватламоқдалар. Албатта, дунёда содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари натижасида бетғиж қурбон бўлаётганлар қалбимизни ларзага солиши табиий ҳол.

1999 йил 16 февраль воқеалари ҳали едимизда. Шунинг учун ҳар бир тинчликсевар фуқаро ўз юртини, ўз оиласининг тинчлигини таъминламоқ йўлида фидойи бўлиши лозим. Президентимизнинг Баёноти бизни ҳушёр бўлишга, ўз тинчлигимизни, оёйишталлигимизни тўла-тўқис таъминлашга яна бир бор ундади.

Шу мақсадда МКТ «Ватанпарвар» Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидеги барча туман Кенгашлари ва бирлашган спорт-техника клублари жамоалари билан йиғилишлар уюштирилди. Йиғилишларда ўз иш жойида тинчликка бефарқ бўлмаслик, ҳар бир мумкин бўлган ҳавф-хатарини олдин оlish чораларини қўриш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бугун ҳар биримиз тинчлик, оёйишталлик, мусавфо осмонимизни асраб-авайлаш учун қўлимиздан келган барча ишни қилишимиз керак.

Дилдора АБДУЛЛАБЕКОВА, «Ўзбекистон» ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшмаси раиси:

Бугун мустақил юртимизда меҳнат қилиш, яратиш, яшатиш, билим олиш, ўз истеъдодини намойиш этиш учун барча шарт-шароитлар муҳай ва ҳар биримиз ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгамиз. Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда рақобатбардош, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар сони кундан кунга кўпаймоқда. Буларнинг барчаси тинчлик, юртимиздаги оёйишталлик туфайли эканлигини ҳар биримиз дилдан англамоғимиз ва шу билан бирга ана шу тинч-оёйишта ҳаётимиз учун қўлимиздан келган барча савий-ҳаракатларни қилишимиз керак.

«Бир кун уруш чиқсан жойдан қирқ кун барака кетаси» деган нақлни жуда яхши биламиз. Бунини қўшни Афғонистон давлати мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз. Шу билан бирга тинчликсевар кўчаларнинг халқаро терроризмга қарши ақид қураши, АҚШнинг Афғонистондаги амалий ҳаракатлари жафокаш афғон халқига эмас, у ерда уя қуриб олган терроризм ўққларига қарши қаратилганлигини тўғри тушуноғимиз керак. Ҳар хил бўлсан ва уйдирмалар эса дунё тинчликсевар кўчаларининг ҳам-жиҳатлигини кўролмаган тараққиёт душманларининг ишидир.

Эн соғлиғи йўлида меҳнат қилаётган жамоамизнинг 600 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлари ҳам мамлакатимизнинг тинчликсевар кўчалари қатори терроризм балосининг тез кунларда йўқ қилиниши тарафдоридирлар.

Кўчкор ЭРМАТОВ, Хамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

Пирю бадавлат қарияларимиз ҳар доим дуога қўл очар эканлар, энг аввало «Юртимизда тинчлик бўлсин, халқимиз омон бўлсин» дея ният қиладилар. Чўнки тинчликка, оёйишталликка ҳикмат қўп. Тинчлик бўлсагина юртимиз ривож топади, фарзандларимиздан қўнғимиз тўқ бўлади, ўз-ўзидан янгиликлар, яратилар вужудга келади, қилган меҳнатинг самарасидан дилинг қувайдиган. Ана шу боис ҳам бугун ҳар биримиз тинчликнинг қадрига етишимиз, уни авайлаб-асрашга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Маҳалламиздаги 360 хонадонда 2100 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг тинч-тотувлиги, маҳалламиз ободлиги, саранжом-саришталлиги йўлида ёш йигит-қизларимизни Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда қўлимиздан келган барча савий-ҳаракатларни амалга ошираёғимиз. Шу билан биргаликда маҳалламизнинг ҳар бир фуқаросига буюк неъмат — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ҳаммиса оғоҳ ва ҳушёр бўлишликни уқдириб бораемиз.

Бугунги кунда эса қўшни давлат Афғонистонда бўлаётган воқеалар, АҚШнинг бу мамлакатдаги терроризм ўққларини батамом яқсон қилишга қаратилган амалий ҳаракатлари ва бу борада ҳукуматимизнинг олиб бораётган сиёсатини йиғилишларда маҳалладошларимизга аниқ тушунтириб бораёғимиз. Маҳалламиз аҳли Президентимизнинг Баёнотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда халқаро терроризм ўққларининг тўла-тўқис яқсон қилинишини, террорчилик узил-кесил мағлуб этилишини чин дилдан маъқулламоқдалар.

Маҳалла посбонлари ва фаолларимиз бир зум ҳам оғоҳликни ва ҳушёрлигини қўлдан бермасликка интилишмоқда. Юртбошимизнинг «Хушёрлик, оғоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойллик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим» деган гаплари ҳар биримиз учун дастуруламалага айланмоғи лозим.

### Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобураҳмоновнинг қарорига қўра Рустам Жовдатовчи Қурбонев Тош-

кент шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

### САНОАТ

Пойтахтимизда кичик ва ўрта бизнес-ни ривожлантиришга, хусусий тадбиркорларга қўлай имкониятлар яратишга эътибор қаратилаётгани боис ҳам рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони ортиб бормоқда. Улар ўзларининг сифатли маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам танилмоқда.

Ана шундай кичик корхоналардан бири ўзининг хорижийкидан асло қолишмайди, мазаси, қадокла-ниши, чиройли кўриниши билан халқимизда дастурхонини беэайидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Дероз» хусусий фирмасидир. Ушбу фирма тадбиркор ва ишбилармон Ҳасан Илхомов савий-ҳаракати билан 1994 йилда ташкил этилган эди. Маҳаллий хом ашёдан сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни ният қилган ушбу корхона тадбиркорлари энг аввало хорижий ширеклар билан алоқани мустаҳкамлаб, Туркия ҳамда Германиядан юксак унумли замонавий линияларни келтириб, уларни цехларга ўрнатди. Шу билан бирга улардан

## Замонавий технология маҳсулот сифатини таъминламоқда

бошқара оладиган малакали кадрлар ҳам тайёрланди.

Авалги йилларда 3-4 хил маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозирга келиб 39 ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган замонавий жиҳозланган цехларда 15 хилдан зиёд қарамель, вафли ҳамда вафли шоклад ишлаб чиқаришмоқда. Энг муҳими эса барча турдаги қандолат маҳсулотлари ўз харидорини топган. — Биз аввало мамлакатимиз аҳолисини энг сара, импорт ўрнини босувчи сифатли ширинликлар билан таъминлашни кўзда тутганмиз, — дейди корхонанинг умумий ўрлар бўйича директор ўринбосари Мохир Усупова, — харидорларимиз сони кундан кунга ортиб бормоқда. Шу боис ҳам йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсмокда. 1998 йилда 280 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган 2000 йилда 984 тонна маҳсулотларимизни

буюртма асосида етказиб бердик. Айниқса, ўтган йили янги технология асосида тайёрланган, «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» деб номланган вафли шокладларимиз хари-дорларимизга манзур бўлди. Шунингдек, «Қизил шапкача», «Тошкент тонги» сингари шоклад ҳамда лимонли, малинали, мураб-боли қарамеллар ишлаб чиқармоқдамиз. Оналар ва болалар йилида эса янги цех очиб, болажонларимиз учун мазали печенье тайёрлаётимиз. Шу билан бирга бугунги харидор талабидан келиб чиқиб, маҳсулот турларини кўпайтиришни, сифатига алоҳида эътибор қаратишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун яна хориждан дастгоҳлар олиб келишни режалаштириб турибмиз.

Корхонада асосан ёш йигит-қизлар меҳнат қилишади.

Айниқса, маҳсулотнинг сифатини таъминлашда, харидоргир

қилиб тайёрлашда корхонанинг кўп йиллик тажрибага эга бўлган технология Наталия Велицкаянинг, шунингдек, Дилфуза Қосимова, Гулназа Орипова, Саида Одинаева, Отабек Исмоилов, Ботир Бобоев, Малоҳат Расулова сингари қандолатчиларнинг сидқидилдан қилган меҳнатлари самара бермоқда.

Шуниси қувонарлики, корхона маҳсулотларининг нафақат юртимизда, балки Россия, Эрон, Қирғизистон мамлакатларида ҳам харидорлари бор. Демак, ҳадемай «Дероз» маҳсулотлари чет эл бозоридан ҳам муносоқ ўрин эгаллайди.

Дилноза ГИЁСОВА

СУРАТЛАРДА: вафли ишлаб чиқариш цехи илг-орлари иш устида; шахримиз савдо дўконларида харидорлар томонидан севиб харид қилинаётган «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» шокладлари ва бошқа ширинликлар.

Сергей Любич олган суратлар.



## Жанговар дуранг

Осиё кубок эгалари кўбугида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Тожикистоннинг «Регар-ТадАЗ» жамоаси билан куч сынашди.

Ушбу ўйинда ғалаба қозониш ҳеч қайси жамоага насиб этмади. Биринчи бўлимда пахтакорчилардан Леонид Коселев 11 метрлик жариммадан меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ўз жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса, орадан кўп ўтмай меҳмонлар футболчиси Ҳақбердиев ҳам 11 метрлик жаримани аниқ баҳарди ва жамоалар таваффусга 1:1 ҳисобида йўл олишди.

Иккинчи бўлимда ҳам дарвозаларга иккита гол киритилди. Ушбу голлардан бирини мезбонлардан Нёзматилла Қуттибоев, меҳмонлардан Бурхонвалар дарвозаларга йўллашди. Урашув 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан аяқланди.

Осиё кубок эгалари кўбугида қатнашаётган яна бир жамоамиз Қаршиннинг «Насав» клуби эса Тожикистоннинг «Умид» жамоаси билан ўз майдонида беллашди ва 4:1 ҳисобидаги ажойиб ғалабага эришди.

Энди кечадиган такрорий ўйинларда «Пахтакор» ҳамда «Насав» жамоаларига омад тилаб қоламиз.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

## Бой берилган имконият

Австриянинг Линц шаҳрида халқаро миқёсда давом этаётган теннис мусобақалари ҳамюртимиз Ирода Тулаганова учун бирмунча муваффақиятлик кечди. Бирок...

Турнирнинг чорак финали учун бўлган курашда Ирода бельгиялик Жюстина Хеменини уч сет натижада кўра 6/7, 6/0, 6/3 ҳисобида енгиб, чорак финалда россиялик Татьяна Пановага ҳам бўш келмади. Ҳамюртимиз рақибини 6/2, 6/4 ҳисобида мағлубиятга учрата олди. Фақатгина ярим финалда югославиялик яна бир кучли теннисчи Елена Докич Иродани тўхтата олди. Гарчанд Ирода ушбу турнирнинг финалига йўлланма ололмаган бўлса-да, кейинги йилларда маҳорати ва жисмоний тайёргарлиги анча ўсганлигини намойиш қилмоқда. Албатта, теннис муҳлис-лари кейинги турнирларда «теннисимиз маликаси»дан ғалаба қутиб қоладилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар



## Мамлакатимизда

• Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вазирлик ва идораларнинг жорий йил 9 ойи давомида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига қарзларини қамайтириш ҳамда мажбурий тўловлар тўлиқ келиб тушишини таъминлаш бўйича иш яқунлари муҳокама этилди.

• «Global Finance» журналининг октябрь ойи сониде 2001 йилдаги дунёнинг энг яхши банклари рўйхати чоп этилган. Улар қаторида ташкил этилганлигининг 10 йиллигини нишонлаётган пайтда мамлакатимизнинг энг яхши банки деб тан олинган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳам бор.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конрад Аденауэр жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Иқбол» ёшлар маркази ҳамда «Фидойи ёшлар» клуби ҳамкорлигида ташкил этилган семинар ўз иштини аяқлади.

• Сирдарё вилояти марказий банкида тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш муаммоларини тезлик билан ҳал этишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

• Андижоннинг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлган катта шодиёна бошқа байрамлардан фарқ қилди. Шу кунни ҳам пилла, ҳам ғалла, ҳам пахта ҳосилидан улкан хирмон яратган андижонликлар Ҳосил байрамини тантана қилдилар.

• Республика болалар бадий ижодиёти марказида «Асарлар тилга кирганда» мавзусида кўргазма очилди.

• Тошкентда Беларусь миллий маданий маркази ташкил этилганлигининг 8 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлди.

• Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик Акмал Нурнинг шахсий кўргазмаси очилди.

• Кеча Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўзбек кураши бўйича аънавий III халқаро турнир бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада қатнашиш учун Нукусга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан юздан ортиқ полвонлар таширф буюрди.

• «Ўзбекино» Давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари уюшмаси Республика халқ артисти ў. Алихўжаева туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан табрик йўллади.



## Жаҳонда

• Кеча Қирғизистонда ҳамдардлик китобиға имзо тўплаш бошланди. Мамлакат фуқаролари шу йўл билан АҚШда рўй берган 11 сентябрь теракти қурбонларига таъзия билдиришмоқда.

• Кеча Москваға Македония Президенти Б. Трайковский таширф буюрди. Бугун у Россия Президенти В. Путин ва ташқи ишлар вазири И. Иванов билан учрашади.

• Кеча Кримда Украина Президенти Л. Кучма ва Македония Президенти Б. Трайковский ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш мавзусида суҳбат бўлиб ўтди.

• Кеча Чехия халқи Республика мустақиллиги кунини нишонлади.

• Кеча Германия Федерал канцлери Г. Шрёдер Покистон, Ҳиндистон ва Хитой сафарлариға жунаб кетди.

• Катардаги «Ал-Ҳазира» телестанциясининг хабар беришича, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг амалиётларида Қўбўлдаги истеҳкомлар 18 бор нишонга олинган. Маълум бўлишича, ана шу бомбардимонлар натижасида Шимолӣ альянс ҳарбийлари Мозори Шариф томон ҳужумға ўтиб, ушбу стратегик ҳудуд сари бир неча қақирим жойни ёриб ўтишға муваффақ бўлди.

• Франц-пресс агентлиги Франция ҳукумати намоёндалари АҚШ етакчилигидаги халқаро коалицияға ҳарбий жиҳатдан янада кенг қўламда ёрдам беражғи ҳусусидаги хабарни тарқатди.

• Буюк Британия мудофаа вазирлиги мулозимлари мамлакат пиёда қўшинлари гуруҳи Афғонистондаги террорчиларға қарши ҳужум олиб боришини эълон қилди.

• CNN телекомпаниясининг хабар беришича, Россия мулозимлари Афғонистондаги Шимолӣ альянс кучларини Т-55 русумдаги 40 дона танк ва 100 дан ортиқ ҳарбий техника машиналари билан қўллаб-қувватламоқчи. «Новости» агентлигининг ўқтиришича, Россия мудофаа вазири Сергей Иванов ушбу хабарни тўла тасдиқлаган.

• Хабарларға қараганда, келаси ой ўрталарида Россия Президенти расмий сафар билан АҚШға таширф буюради. Маълум бўлишича, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги бўлажак юзма-юз мулоқотларда бугунги кундаги аксилтеррор ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар бош мавзу бўлади.

• Буюк Британиянинг «Гоу» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-737-300» русумли самолёт бир неча дақиқа давомида Франциянинг қирувчи самолётлари томонидан кузатиб борилди. Маълум бўлишича, Испаниянинг Малага шаҳридан Лондонға учаётган самолёт Франция ҳудудиға кирганида тўсатдан ердаги ҳаво ҳаракатини бошқариш хизматлари билан алоқа узилган. Самолёт террорчилар томонидан қўлга олинди, деб гумон қилган француз ҳарбийлари «Мираж» русумли қирувчи самолётини осмонға қўтаришға қарор қилган. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, «Боинг» билан ердаги тегишли хизматлар ўртасида алоқа тикланган ва ҳарбий самолёт ортға қайтарилган.

• Россиянинг «Сибирь» авиакомпаниясига қарашли «Ту-154» самолёти айнан Украина ҳарбийларининг машғулот пайтида учирган СС-200 ракетага билан уриб туширилганлиги Президент Кучма томонидан расман эътироф этилди. Кучма фожиада асосий қурбонларни ташкил этган Исроил ҳукумати ва Россия Федерациядан ушбу қўпол хато учун кечирим сўради.







# Маънавий тарбиянинг долзарб масалалари

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда ёш авлодни маънавий тарбиялаш муҳим ўрин тутмоқда.

Ана шу тарбиявий жараёнинг шакл ва усуллари талқин этиш борасида Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти олимлари ҳам самарали изланишларни олиб боришмоқда.

Профессор Исом Турсуновнинг ёш авлод оғи ва қалбига миллий истиқлол ғояларини синдириш асосида улар маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ мавзудаги иши ҳам эътиборга сазовордир. «Ўқувчилар оғи ва қалбига миллий истиқлол ғояларини синдиришнинг метод ва шакллари» деган мавзуда изланиш олиб бортган институт бўлим мудир Саноабар Нишонов ва тадқиқотида масаланинг муҳим маънавий томонларини ёритиб берди.

Профессор Раҳим Ҳасановнинг «Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида миллий истиқлол ғояларини ўқувчилар оғига синдиришнинг

ўзига хос хусусиятлари» деган иши ҳам ижобий баҳо-ланди. Ёш авлоднинг маънавий тарбиясининг педагогик хусусиятларини илмий муассаса ёш олимлари изланишларида ҳам ўз ифодасини топти. Шу ўринда «Таълим-тарбиянинг мафкуравий асослари», «Адабий таълим — миллий қадриятларимизни тиклашнинг муҳим омил», «Ёшларни маънавий тарбиялашда давлат ва ҳуқуқ асослари фанининг ўрни» каби ишларни кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Бундан ташқари институт илмий ходимлари изланишларида ёшларнинг илмий-техник тафаккурини шакллантириш, оилада соғлом муҳитни қарор топтиришнинг педагогик шарт-шароитларига доир мавзулар ҳам ёритилди.

Бу каби энг яхши ишлар институт негизда ўтказилган республика илмий-амалий конференцияда маърузалар сифатида тақдим этилди.

Ақбар АЛИЕВ



«Моҳир қўллар» тўғраги. Устоз ва шогирд.

## Ўқувчиларга бепул дарсликлар

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида ҳамда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «ЎЗСИЛМ» қўшма бирлашмаси очилган эди. Салкам бир йил ишла унинг фаолияти янада жонланиб кетди.

Бу борада бирлашма қатор таълимий жараёнларга ҳомийлик қилади. Жойларда хайрия тadbирларини ўтказди. Ёшларнинг компьютер саводхонлигини ўстиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунди Тошкентдаги 99, 242-мактабларга ажратган компьютер техникалари мажмуалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ақли машиналар маъруз билим даргоҳларида компьютер синфларига ўрнатилди.

«ЎЗСИЛМ» бирлашмаси яна навбатдаги, хайрли ишга қўл урди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига деярли 200 комплектдан иборат бўлган янги дарсликлар тортиқ қилинди. Бу адабиётлар шахримиздаги 156, 292-мактабларга берилди.

Ақбар АЛИЕВ

Гулсанам Хусния опанинг ёлғиз қизи эди. Бўйига етиб, бирам сулув қиз бўлдики! Хусния опа уни кўпинча ара, қизим толиқиб қолади деб, рўзгор юмушларини ўзи бажариб кетаверарди.

— Қизингга у-бу нарсани ўргат, — деди бир куни эри. — Ҳадемай ўқишини битиради. Сўнг уйимизга совчи ёғилди. Қизингнинг чироғига чой қўйиб ичармики улар. Мало-матта қолмайлик, тагин.

Бу гаплар Хусния опага оғир ботди. Дили оғриб, уялади: «Барибир ота ота экан-да. Ниятини қаранглар». Бир-иккита аччиқ сўз қилиб, аламини билдиргиси келди. Лекин, ўзини босди. Кейин эрига тик боқиб, деди:

— Мен қизимни уларга чўриликка берардимиз, отаси. Уйини гўлдай ясапти, кўёвнинг кўнглини овласа бўлди-да!

Ота инчамади. Орадан бир ойча вақт ўтиб, шундай бир воқеа юз берди. Хусния опанинг қизлик ўртоғи Ҳанифахон уларнинг қизига сим қокди. Узоқ суҳбатлашди. Гап орасида Ҳанифахон мақсадга кўчди:

— Гулсанаминг қалай? Ки-чиклигидега бийронгина эди. Хўб ажойиб қиз бўлгандир. Хали ҳеч қаерга унаштирмадингларми? Жуда яхши. Бу йил Собиржонимнинг бошини иккита қилмоқчиман. Катталари ҳовли-жой олиб, чиқиб кетишди. Бор умидим шу кенжамадан энди. Бе-гона ҳождардан қиз ахтариб юрамани-ми? Хуллас, ўзинг тушуниб оларсан, бўёгини. Эртага ишдан кейин уйинг-ларга ўтаман-да, дугонажон!

Хусния опа гўшаки кўйдию бўша-шиб ўтириб қолди. Кўзининг оқу қораси гўё эртагаёқ бу уйни тарк этиб кетадигандек туюлди. Нимаям қиларди, қиз боланинг ёзғи шу. Сахар туриб, ҳовли-жойни тозалади, бир бошдан супуриб чиқди. Хамир ёйиб, чучвара тугди. Нар-бери но-нушта қилиб ишга жўнади.

Кечқурун Хуснияхон дугонасини очикўнгиллик билан кутиб олди. Хонтахта қўйилиб, атрофига атлас кўрпачалар ёзилган сўрига тақил қилди. Сўрининг ён-верига анвойи гуллар чамандай очилиб ётарди. Ҳанифахон яйраб кетди. «Қизлик уй-нинг файзи бошқача бўлади-да, деб ўйлади у. Мана, ўзининг уч ўғли бор. Қиз кўрай деб неча йил орзуланди, насиб этмади. Хали-хали қиз бола-нинг бўйларини соғинади. Шунинг учун ҳам Собиржонига ўзига синаша-та жойдан қиз олишни ният қилган-ди. Ахир кенжаси ўзи билан қола-ди. Келинчилигим қизи ўрнида қўра-

ди. Эски қадрдониникига музтар бўлиб келиб ўтирганининг боиси ҳам шу, аслида.

Икки ўртоқ чакчақлашиб ўтириш-ганида, дарвоза очилиб Гулсанам кўринди. Эғнида хонатлас, сочлари елкаси узра ёйилган, бирам хушрўй, Ҳанифахоннинг юраги орзқиди. Кўришмоққа чоғланиб, ўрнидан турди. Хуснияхон эса югуриб қизининг пешвозига чиқди, қўлидан сумкаси-ни олиб, юзидан ўпди. «Йўларда қийналмасдан келдингми, болам» дея айланиб-ўргулди. Ҳанифахонга бу эриш кўринди. Сўнг ўзига уяла-ди: «Ёлғиз қизи, нима қилсин, келгу-нича кўзи тўрт бўлиб ўтиради-да!» Гулсанам келиб меҳмонга елка тут-ди.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ...

## «Айб менда, қизим...»

ди, пичирлаб саломлашди. «Эғнинг-ни ечиб, чой-пойинини ичиб ол, қизим!» деди унинг ортидан Хус-нияхон. Аёллар қайтадан берилиб суҳ-батлашмоқча кетишди.

Орадан пича вақт ўтиб, Хуснияхон уй томонга қараб товуш берди:

— Гулсанам, қизим, қозондаги сув қайнаган бўлса, музлаткичдаги ту-гилган чучвараларни солиб пишириб ола қол!

«Хўп, ойижон!» деди қиз ичкари-дан туриб. Бир пайт ошхона эшиги-да Гулсанам кўринди.

— Ойи! — Нима дейсан, болам? — Халиги... Чучваранинг пишгани-ни қандай билса бўлади?

— Вой, қизим-ей, айтандимку сен-га, чучварани сув тўбига чўкса, пиш-гани шу-да!

Икки аёл жимиб қолишди. Суҳ-батни улашга энди нимадир халал бераётгандек эди. Шу вақт Гулсанам тез-тез юриб, бўлар томонга келди.

— Ойижон, овқатингизга ўзингиз қаранг. Чучваранингизни чўкканини-ям, юзига чиққаниниям билиб бўлмайди!

Гулсанам кизариб-бўзариб жаҳл билан хонасига кириб кетди. Хус-нияхон ўртоғига хижолатомуз қаради, сўнг «Болага иш буюр, ортидан ўзинг югур» экан-да, дея ошхона томонга шошилди. Ҳанифахоннинг кўнгли

алланечук бўлди. Ҳаёлга толди. «Та-ва-ба, ташқаридан меҳмон келиб ўти-рган бўлсаю она-бола бемалол бири ичкаридан, бири ҳовлидан туриб ба-қириб-чақириб гаплашаверишса?!» Е-мени ўзларига яқин олиб шундай қилишдимикин? Қизнинг онасига қилган дағал муомаласию ўзининг нуноқлигини билдириб ўтиргани-чи! Ўғилларини уйга биров келса, ҳеч ово-зини баланлатмасди. Бир гапи бўлса, мени ичкарига илмашарди. Хар уйнинг хавоси хар хил экан-да!»

Ҳанифахон дилидаги ноҳушликни ўртоғига сездирмади. Хушқол ўтириб овқатланишди, ҳазил-хузил қилиб суҳбат қуришди. «Бизникигаям меҳ-мон бўлиб бординг» деб қилиб-қулиб омонлашди.

Орадан бир неча hafta ўтди. Ўша куни Хуснияхон дўконда Ҳанифахоннинг кат-та ўғлини учратиб қолди. У келиб елка тутиб омонлаш-ди. Одоб билан ҳол-аҳвол суради. «Кенжа укамга қиз унаштиргандик, шунинг таш-вишида юрибман. Хали тўйга айтаман, албатта бора-сиз-а?!» деди қайрлашаёт-иб.

— Кимга унаштирдиглар? — деб бехайвир суради Хус-нияхон.

— Кўшнимизнинг қизига. Хуснияхон негидир маънос торти-ди. Ҳанифахон билан қуда бўлишга ўзи-ни ишонтириб қўйгани учунми, кўнглидаги ғашлик ҳадеганда тарқ-айвермади. Йўл-йўлакай бораркан, ҳаёлан ўша кунги воқеаларни кўз ол-дига келтирди.

— Ўша куни Гулсанам ўртоғи-га маъқул келмаган экан-да! — ўз-ўзига гапирди у. Кейин ҳаёлга бот-ди. «Ўзим ҳам қизни жуда тантиқ ўстирган эканман-да. Халигача бир-ор юмушни удалалаб қилолмайди. Пиширган таомни бўтқа, ювган кири чала бўлсам, дакки бермадим, хали ёш деб айдим. Хатто муома-ланиям билмайди шу вақтгача. Мен нуқул қизим яхши кийинсин, яхши ўссин, бахтли яшас, яйрасин деб юраверибману қиз боланинг чинакам бахти унинг ширинсузли-ги, эччиллиги, меҳнатю хунарида эканини ҳаёлимга келтирмабман. Фарзандни фақат эркалаб-сўйиш эмас, ёнимга қақириб иш ўргатиш ҳам зарурлигини унутдим мен. Ҳалиям бўлса кеч эмас...Ўз хато-имни тўзатмоғим керак. Токи, ёл-ғиз қизим келгусида бахтсиз бўлиб ўтирмасин...»

Хуснияхон ўзгача шахт билан уйи томонга бурилди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

## Билимдонлар баҳси сарҳисоб қилинди

**Шу йилнинг июнь—август ойларида Миср элчихонасининг Ўзбекистондаги Матбуот шўъбаси бир қатор оммавий ахборот восита-лари, жумладан пойтахтнинг «Оқшом» газе-тлари билан ҳамкорликда «Мархабо, Миср!» билимдонлар баҳсини ташкил этганлиги муш-тарийларимизга яхши маълум.**

Шуни айтиш керакки, фиръавнлар ва бетимсол ахромлар мамлакат, жаҳон тамаддуни бешикларидан бири, «Минг бир кеча» эртак-ларида тилга олинган сир-ас-ропларга бой, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятининг ну-фузли аъзоси бўлиши за-монавий давлат — Миср на-факат кўнча тарих билан қизиқу-чи, балки саёҳатни севувчи кишиларнинг доимо эъти-борини тортиб келган. Ўзбеки-стон ва Миср мамлакатлари-ни бундан қўп асрлар муқад-дам асос солинган мустақам дўстлик муносабатлари ўза-ро боғлаб туради. Шу саба-дан эълон қилинган билим-донлар танлови газетхонлар орасида жуда катта қизиқиш уйғотди — ташкилотчилар

манзилига келган минглаб мактублар бунинг исботидир. Республикаимизнинг барча бурчакларидан мактуб йўл-лан хар хил ёшдаги ва турли касбларда фаолият кўрсату-чи юртошларимиз нафакат Миср тарихи, жүрғуфийаси, урф-одат ва удумлири, икти-содиёти, Миср ҳаётининг иж-тимоий ва сиёсий йўналиш-лари юзасидан ҳам ўз билим-ларини намойиш этишди, шу билан бирга ахромлар мамла-катининг янги қирралари би-лан танишмилари, билим до-ираларини кенгайтиришга имкон яратилганлиги учун миннатдорчилик ҳам изхор қилишди. Бинобарин, белги-ланган ҳоидалардан қатъи назар (хар ҳолда танловнинг ўз қилиблари бўлади) ушбу

баҳсда қатнашганларнинг барчаси ғолиб чиқди десак, янглишмаймиз.

Билимдонлар баҳсининг ғолиблари эса куни кеча Миср элчихонасининг Матбу-от шўъбасида Оммавий ахбо-рот воситалари вакиллари, шунингдек, Мисрнинг Ўзбеки-стондаги Муваққат ишлар вакили жаноб Фарғали Тоха ва Миср Араб Республикаси элчихонасининг Матбуот бўйича маслаҳатчиси жаноб Рафъат Ас-Сабъа иштирок этган тадбирда маълум бўлди. Чўночи, Сурхондор вилоя-тида иштомат қилувчи га-зетхон Ш. Чориев эндилик-да ўзи соҳиби бўлган ранг-ли телевизор орқали Миср тўғрисида бериладиган би-рорта кўрсатувни ўтказиб юбормаса керак, пойтахт ви-лоятлик Ш. Умрзоқов ва

**Мукофотлар 8 ноябрь куни соат 13.00 да Тошкент шаҳри Лоҳутий қўчаси, 25-уйда жойлашган Тошкент Шарқшунослик институтининг мажлислар залида тантанали равишда топширилади.**

(Ўз муҳбиримиз).

### Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўтганиб домо бўлар...

### «ШАМС УЛ-МАЪОРИФ»НИНГ КАЛИТИ

Қиблагохим ҳикоя қилган эдилар:

— Бухородаги Мирараб мадрасасида тахсил кўра-дим. Бир куни бозорга чиқиб, китобфурушлар раста-си олдида ўтиб қолдим. Китобларга назар солдим, бир китоб ёқиб қолди. Унинг номи «Шамс ул-маъо-риф» («Билимлар қуёши») эди. Китоб бошдан-оёқ куч-ли ва ўткир дуолар тўпламидан иборат эди.

**Дуолар қонидир «Шамс ул-маъориф», Одамлар жонидир «Шамс ул-маъориф». Улуғ инсонларнинг улуғ ижоди,**

**Томирда қонидир «Шамс ул-маъориф».** Йиғиб юрган барча пулимни аямай, китобни сотиб олдим. Хўжрамга келиб, уни мутолаа қила бошладим. Асар «Минг бир кеча» китобининг қаҳрамони халифа Ҳорун ар-Рашид даврида тўрт буюк олим томонидан ёзилган бўлиб, уларнинг энг машҳури Шайх Буний эди. Бу китоб халифа Ҳорун ар-Рашидга тақдим қилинган, у ўз олимларини йиғиб, асарни текширтиради. Уламо-лар уни тарқатишни манъ қиладилар. «Унда буюк ду-олар бор экан, китоб тарқалса, одамлар ўқиб, ҳаётни издан чиқариб юборадилар», дейишади улар.

**Қўллаб уламонинг кўзи кўргандир, «Шамс ул-маъориф»нинг юзи кўргандир.** Бу азиз китобни ҳатто халифа, Ҳорун ар-Рашиднинг ўзи кўргандир. Китоб муаллифлари халифанинг хузурига келиб, асардаги дуолар калити яширин эканлигини, ишон-чи қўллардан ишончи қўлларга ўтишини исботлаб берадилар. Шундан сўнг, уни тарқатишга рухсат бе-рилади.

**Сирлар хазинаси «Шамс ул-маъориф», Дурлар ганжинаси «Шамс ул-маъориф». Илм осмонига чикайин десанг, Бу осмон зинаси — «Шамс ул-маъориф».**

Асарда нафакат ердаги жонли ва жонсиз жисмлар-га, балки осмондаги қолдузу сайёраларга ҳам таъсир ўтказа олишни ўргатадиган дуолар мавжуд эди. Би-роқ унинг калитини топиш керак эди. Калити эса ўс-тозим улуғ мударрис, валиуллоҳ, қирқ марта ўқиб чиқилса бўлган Мулла Асвад Махсумнинг қўлида эди.

**«Билимлар қуёши» улуғ қўёшдир, Асрлар ўтса ҳам элга йўлдошдир. Ажойиб дуолар борлиги билан, Ўқиган одамга доим қўлдошдир.**

Бухородан Ургутга келиб Эшони Ургутийнинг мад-расасида тахсил кўра эдик. Устоздан «Шамс ул-маъ-ориф» калитини сўрадим. «Хали эрта, аввало билим олинг» дедилар устоз. Орадан ярим йилга ўтган, Ур-гутдаги ўқишлар ҳам тўхтаб қолди. Устоз мени қақи-риб: «Йўланмаган бўйдоқ йиғитга «Шамс ул-маъориф» калитини бериб бўлмайди, тез бориб уйланиб келинг», дедилар.

**Уйланса одамнинг руҳи босилар, Тўфон пасаяр, Нуҳи босилар. Ҳаётга чуқурроқ қарайди одам, Ноласи камаяр, «уҳи» босилар.** Мингтепага» жўнадим. Акам Мухйиддин Махсумга ҳам, бошқа қариндошларга ҳам уйланиш учун келга-нимни айтилмас эдим.

Бахтдан бўлиб, бир куни Аравон қозиси Мулла Хол-мат уламоларни меҳмонга қақириб қолди. Аравон, Мингтепа ва унинг атрофидаги уламолар йиғилган эди. Илмий баҳс ва мунозара авж олди. Араб тилидаги бир жумлани ечолмай қолдилар ва сарфу наҳиддан баҳс кетди. Масала ечилмагач, акамга ҳавола қилишди. Акам ҳам ожиз эди, менга ҳавола қилдилар. Мен бу масала-ни олдиндан ҳал қилиб турсам-да, одоб сақлар эдим. «Кофия»нинг оддий қондаси орқали ечиб бердим. Бар-ча тан берди ва қўп мактадилар. Аравон қозиси акам-га:

— Бисотимда покдомон бир қизим бор, уқангизга равво қурмоқдаман, — дедилар. Тез орада тўй бўлди ва мен Булоқбошига бордим. Махалла оқсоқолига «Менга пул керак, Бухорога бо-риб келаман», дедим. Орадан 3-4 ой ўтиб қолди. Охи-ри йўлга чиқдим. Ҳаёлимда «Шамс ул-маъориф» ва унинг калити эди.

**Олимлар йўлдоши эди бу китоб, Қийналас қўлдоши эди бу китоб. Хар китоб бўлса гар билимлар ойн, «Билимлар қуёши» эди бу китоб.**

Пиеда йўл юриб, бир ойга яқин деганда Бухорога етиб келиб, устоз эшигини тақиллатдим. Устозимнинг аёллари чиқиб, мени ичкарига бошладилар. Шунча йиллар ўқиб, устознинг аёллари бирор марта ҳам ол-димизга чиққанларини кўрмаган эдик. Меҳмонхонага кирдим. Устозимнинг аёллари чой, нон ва шўрвада қайнаб пишган катта гўшт бўлагини олдимга қўйди-лар. Мириқиб ичдим ва едим. Устозимнинг аёллари яна эшик олдида пайдо бўлдилар ва битта тасбеҳ ҳамда устознинг ҳассаларини менга узатдилар.

— Шуларни устозингиз сизга бериб қўйишни сўра-ган эдилар.

— Ўзлари қанилар? — деб сўрадим. — Оламдан ўтдилар, кеча йигирмаларини қилдик. Устимдан бир челақ совуқ сув қўйиб юборилгандек бўлди. Томоғимга бир нарса тикилиб, қўзимдан ёш оқа бошлади.

— Уладиган кунлари, — давом этди аёллари, — на-мози асрга яқин вақт эди. Бироз мизиб олмоқчиман, ҳаётимда бир марта бўлса ҳам, намозни қазо қилма-ганман. Ухлаб қолсам, уйғотиб қўярсиз, деб уйкуга кет-дилар. Аср вақти бўлган, елкаларидан туртиб, уйғот-моқчи бўлдим. Қарасам, бутун гавдалари билан қимир-лар эдилар. Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин, жон берган эканлар. Етишларидан аввал: «Шогирдим Ҳасанхон Махсум йўлда келяпти, келган, шуларни бериб қўйинг» деб тасбеҳ билан ҳассани бердилар. Менинг ҳатто нега ўзингиз бермасиз, дейиш ҳаёлимга ҳам келмабди...

Эртасига устознинг қабрини зиёрат қилдим, сўнг Мингтепа томон йўлга чиқдим.

Қиблагохим бу ҳикояни, ўрни келиб қолганда, қўп марта айтиб бера эдилар. Биз хар гал: — Нега тезроқ бормасангиз? Етиб борманингизда катта мартабага эришган бўлардингиз. Ўзингиздан ўтган экан, — деб афсусланиб гапирардик.

Қиблагохим эса: — Тасбеҳ билан ҳассаларини қолдирганлари ижо-зат берганлари-да, — деб бизларни юпатардилар. **Хар бир сирли ишининг хариди бордир, Хар бир улуғ эрнинг муриди бордир. Ёдласам, ўқисам бўлди-да, дема, Дуо хазинадир, қалиди бордир.**

Махмуд ҲАСАНИЙ

\* Мингтепа — ҳозирги Марҳаматнинг эски номи.

ХОТИРА УЙГОНСА ГЎЗАЛДИР...

## Ўшал Лайлони изларман (Ўзбекистон халқ ҳофиси Муҳаммаджон Каримовни эслаб)

... 1970 йили эди. Олис қишлоқнинг чекка бир хонадонида оқшом чоғи «зангори экран» орқали ўрта ёшдаги киши мумтоз кўшиқ қуйларди. Биз «ет-тижўжа бир жон» жамланиб кўшиқ оҳангига энтиқиб қўйсақда «деярли аҳамият бермас эдик». Фақатгина раҳматли аяжонимиз кўшиқ сеҳридан кўзлари ёшга тўлиб йиғлар эдилар.

Биз хайратланиб: «Аяжон нега йиғлаясиз?» — деб сўраганимизда «Сенлар учун енгил-елпи кўшиқ бўлса-бўлди. Ахир мумтоз кўшиқла-римизни ҳам билишингиз ке-рак-ку!» — деб қойиб берди-лар. Шу-шу бўлди-ю онамиз-нинг танбехи билан радио, телевидениеда янграётган кўшиқларнинг мазмуни, иж-рочилари Расулқори Мама-далиев, Жўраҳон Султонов, Комилжон Баратов, Маъмур-жон Узоқов, Муҳаммаджон Каримов сингари мумтоз санъаткорларни англаб ет-дик.

1994 йили хизмат юзаси-дан илк бор Ўзбекистон халқ ҳофиси Муҳаммаджон Ка-римовнинг хонадонига бўлдим. У киши ижро этган «Баёте», «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Қашқарчаи ушқ», «Ўй каро кўз», «Муножот» каби мумтоз кўшиқлари, унинг яратилиш тарихи, таҳлили ҳақида узоқ гаплашдик.

Ха, у кўшиқ айтиб юраклар-ни сел қилиб, сеҳри билан

юзлаб, минглаб тоза қалб со-ҳибларини мафтун этган. Кўшиқ айтиб кишиларни йи-ғлатиш, кўшиқ айтиб олқиш олиш, давраларга, тўйу-ҳашамларга фойз киришиб дуо олиш хар қандай санъаткорга ҳам насиб этавермайди. Бу-нинг учун кишида тугма истьеб-дод, яратганнинг инъоми бўлиши керак. Муҳаммаджон Каримов ҳам ана шундай қуй-лаш саховати беназир бўлган, тангри инъоми насиб этган инсонлардан эди.

У киши билан суҳбатлашиб ўтириб тилларидан бугунги кун, қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта қарор то-паётган давларга тақдор-так-дор шукроналик айтдик. Унга саволлар бердик, кутганимиз-дан ортиқроқ жавоб олиб, ичи-мизда «қари билганини пари билмас» деганларининг ҳикма-ти шу бўлса керак-да, деймиз. У киши «Худо умр берса, ин-шооллоҳ халқимизга баҳоли қудрат хизмат қилсам, Бобур, Машраб, Мукимий, Фуркат, Нодирабегим каби ўзбегим-

нинг қомил фарзандлари қол-дирган баҳосиз гавҳарларни қуйга солиб, кўшиқ қилиб элга бахшида этсам дейман» деган-дилар қўлиб...

Ўша оқшом мумтоз санъат-кор радио, телевидениеда ян-граётган айрим хонандалар-нинг «кўшиқ»лари адабий-ба-дий кўнглимнинг назоратисиз эфирга берилаётгани ҳақида анча куйиниб айтгандилар. Миллий кўшиқчилик санъати ҳақида эса: «Яқин-яқингача махалла гузарларидаги чойхо-наларда танқили ҳофизлар билан учрашувлар бўларди. Чойхона азалдан санъат қошо-наси, маданият даргоҳи бўлган ва шундай бўлиб қо-лиш керак. Айтиялик, шаҳри-миздаги боғларда дам олиш кунлари ҳофизлар билан учра-шувлар уюштирилиб, мумтоз кўй-қўшиқларимиз янграсса, қандай яхши», дегандилар.

Бизнинг устоз санъаткорга: «Мумтоз кўшиқларимизни қуй-лашни ўргатиш ҳақида «занго-ри экран» орқали бирор кўрсатув ташкил этилса яхши



бўлармиди?» ва «Қандай санъ-аткорлар сизнингча халқ хофиз-и бўлиши мумкин?» деган саволларимизга улар: «Яхши фикр. Ҳеч бўлмаса ойда бир марта мумтоз адабиётимиз-нинг олтин хазинаси Фузўлий, Навоий, Мукимий, Машраб асарларини, улардаги сўз маъ-носи, мазмуни ва мушоҳадаси ҳақида кенг фикр



